

## Тарихнинг буюк доҳийлари



12:45 / 22.11.2019 5743

1974 йил 15 июлги «Тайм» ҳафталик журналида ҳар турли тарихчилар, ёзувчилар, ҳарбийлар, тижоратчи-бизнесменлар ва бошқа касб вакилларининг «Тарихнинг буюк доҳийлари» мавзуидаги муҳокама мақолалари ўрин олган. Баъзилар шундай шахс деб Гитлери, бошқалар Гандини, Буддани, Линколнни ва ҳоказоларни ҳисоблашган. Шу билан бирга, америкалик психоаналитик, Чикаго университетининг профессори, яҳудий миллатига мансуб Жюль Массерман масалага аниқ мезон-ўлчовлар билан ёндашишни таклиф этди. Унинг сўзларига кўра сардорлар учта вазифани бажаришлари керак:

1) ўзлари бошқарган халқни тинч ва фаровон ҳаёт билан таъминлаган бўлиши;

2) одамлар ўзини хавф-хатарсиз, хотиржам сезадиган жамият қурган бўлиши;

3) одамларга иймон (ишонч) ва эътиқод йўлини тақдим қилиши.

Жюль Массерман мазкур уч мезон асосида тарихни ўрганиб чиқади, Гитлер, Пастер, Сезар (қадимги Рим императори), Мусо алайҳиссалом, Конфуций ва бошқа кўпларнинг баҳоларини белгилади ва охир-оқибат қуйидаги хулосага келди:

«Пастер ва Салк каби доҳийлар биринчи мезонга жавоб беради.

Ганди ва Конфуций кабилар бир томондан, Александр Македонский, Сезар ва Гитлерлар эса, бошқа томондан иккинчи ёки учинчи талабларни қондиради.

Ийсо алайҳиссалом билан Будда эса, фақат учинчи тоифага мансубдирлар.

Барча замонларнинг энг буюк доҳий-йўлбошчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлса керак, чунки у учала мезон бўйича ҳам барча талабларга жавоб беради.

Мусо алайҳиссалом бу борада Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир қанча паст даражада қолган».

***Аҳмад Дийдот, «Что Библия говорит о Мухаммаде» 20-21-бетлар***